TOSHKENT DAVLAT
SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI
QIROATXONA

ШАРҚ МАШЪАЛИ

2 / 2005



ШАРҚ МАШЪАЛИ

1992 йилдан чиқа бошлаган
№ 2 (30) 2005 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ НАШРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг рўйхатидан қайта ўтган (№ 00-36 5 декабр 2003 й.)

Таъсисчи:
Тошкент давлат шарқшунослик институти

Неъматулла ИБРОҲИМОВ
журнал бош муҳаррири

М. КОМИЛОВ
бош муҳаррир муовини

А. ҲАБИБУЛЛАЕВ
масъул котиб

Таҳрир ҳайъати:
С. ҒАФУРОВ
О. ШОМАТОВ
Т. МУҲТОРОВ
М. ИСҲОҚОВ
Р. ХЎЖАЕВА

Таҳририят:
А. Ҳабибуллаев (муҳаррир)
С. Юсупова (техник муҳаррир)
М. Зарифов, Юнусов О. – техник ходимлар
Инглиз тилидаги рукнни Д. Муҳаммадиев, араб тилидаги рукнни М. ал-Бухорий тайёрлаган.

Журнал оригинал-макет асосида босилди.
Шарқ машъали, 2005 йил 1-сон
Индекс 75460.

Босишга рухсат этилди 11.12.2005
Бичими 84x108 1/16 Шартли 3,5 б.т.
500 нусхада босилди. Буюртма № 294.
Баҳоси келишилган нархда.
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг кичик босмахонасида босилди
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2005
Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

МУНДАРИЖА

Аз-Замахшарий таваллудининг 930 йиллигига бағишланади

БУЮК АЖДОДИМИЗ СИЙМОСИ

Уватов У. Маҳмуд аз-Замахшарий хоразмлик буюк аллома 3
Исломов З. Замахшарийшуносликнинг янги уфқлари 9

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР

Қориев О. Тафсир илми ва Замахшарий 11
Абдуллаев А. «Ал-Кашшоф»нинг тафсир илмида тутган ўрни 15
Болтаев А. Замахшарий қарашларида ғанимга муносабат муаммоси 18
Юсупова С. «Олтин шодалар»нинг илмий-назарий аҳамияти 20

НОДИР МАНБАЛАР

Сулаймонова Н. Замахшарийнинг Ўзбекистонда сақланаётган ахлоқшуосликка оид мероси 25
Носирова М. «Ал-Муфассал» ва «ал-Унмузаж» 28
Турдиалиев Б. Маҳмуд Замахшарийнинг «ал-Муфассал» асари хусусида 29
Мирзиётов Ш. «Муқаддамату-л-адаб»нинг Ёзгат қўлёзмаси ҳақида 31
Дўстматов С. Маҳмуд Замахшарий «Мақомот» асарининг қўлёзма ва босма нусхалари 32

БАДИА

Исломов З. Шарафли хизмат 34
Замахшарий ҳикматларидан 37

ТАҚВИМ

Эргаш Рустамов 41

SUMMARY 43

(тўлиқ номи «ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб», айрим манбаларда эса «ал-Муфассал фи-н-наҳв») асарини Замахшарий Маккада яшаган пайтида бир йилу тўрт ой (513–515 ҳижрий, 1119–1121 милодий йиллар мобайнида) деганда ёзиб битиради[1].

Маҳмуд Замахшарий «ал-Муфассал» асарининг араб грамматикасига оид бошқа асарлардан фарқи шуки, улар аввал синтаксис, кейин морфология, сўнгра фонетика баён этиладиган анъанавий тартибда ёзилган бўлса, бу асарда грамматик масалалар сўз туркумлари, яъни исм, феъл ва ҳарф (юкламалар) бўйича кўриб чиқилди. Шу ўринда Маҳмуд Замахшарий ўзининг «ал-Муфассал» асарига ёзган муқаддимасидан парча келтириб ўтишни жоиз деб билдик:

المفصل فى صنعة الإعراب مقسوما اربعة اقسام القسم الاول فى الأسماء القسم الثانى فى الأفعال القسم الثالث فى الحروف القسم الرابع فى المشترك من احوالها.[2]

«Ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб» номи билан аталмиш ушбу китобим 4 қисмдан иборат. Биринчи қисм – исмлар, иккинчи қисм феъллар, учинчи қисм – кўмакчилар, тўртинчи қисм ушбу ҳоллар муштарак бўлганлардан иборатдир».

«Ал-Муфассал»нинг қўлёзмаларидан бири Тошкентда, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти фондида (5198-рақамда) сақланади.

Асарнинг чет мамлакатлардаги нашрларини назардан кечирадиган бўлсак, «ал-Муфассал» дастлаб 1859 йил, иккинчи марта 1879 йил Кристиянада Ж.Б. Брош томонидан чоп этилган. 1872 йилда асарнинг немис тилидаги таржимаси босилиб чиққан. 1873 (1271 ҳ.) йилда Ҳамза Фатҳуллоҳ раҳбарлигида Искандарияда, 1891 ва 1903 йилларда Деҳлида, 1903 (1322 ҳ.) йилда Муҳаммад ибн Абдуғани ёзган шарҳ билан Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида, 1904 (1323 ҳ.) йили Али ибн Имодийнинг ҳинд тилида ёзилган муқаддимаси билан Ҳиндистоннинг Лакҳнау шаҳрида ва 1904 (1323 ҳ.) йилда Қоҳирада нашр этилган[3].

Катта илмий қимматга эга бўлган «ал-Муфассал» асарига тилшунос олимлар томонидан кўплаб шарҳлар ёзилган. Немис шарқшуноси Карл Броккельменнинг фикрича, «ал-Муфассал»га ёзилган шарҳларнинг сони ўттизга яқин. Шарҳларнинг энг машҳурларидан бири ўрта асрларда яшаган суриялик тилшунос олим Муваффақиддин Абул Бақо Йаъйиш ибн Али ибн Йаъйиш ал-Ҳалабий (ваф. 643/1245) га мансуб бўлиб, мазкур шарҳ 1882 йил Лейпцигда икки жилдда босилган. «Ал-Муфассал»га ёзилган машҳур шарҳ муаллифлари қаторига Муҳаммад ибн Саъд ал-Марвазий (ваф. 609/1197), Фахриддин Муҳаммад ибн Умар ар-Розий (ваф. 606/1194) ларни киритишимиз мумкин. Ундан ташқари Садру-л-афозил ал-Хоразмий номи билан машҳур бўлган Абу Муҳаммад Мадиддин ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн «ал-Муфассал» асарига 3 та шарҳ ёзган.

Карл Броккельманнинг таъкидлашича, «ал-Муфассал» га Абдусамад ас-Саховий, Абдулвоҳид ибн Абдулкарим Ансорий, Ёқуб Муртазо, Андалусий, Ёқуб ибн Ҳамза, Тойиб ал-Маккий ал-Ҳиндий, Бадриддин Форис ан-Насоний ал-Ҳалабий, Баҳром ибн Маҳмуд каби етук тилшунослар томонидан ҳам шарҳ ва ҳошиялар битилган[4].

Ҳозирда Қоҳирадаги «ал-Азҳар» университетида талабаларга араб грамматикасидан айни шу асар асосида таълим берилади. Бу эса асар ҳанузгача ўз илмий қимматини йўқотмаганлигидан далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, буюк юртдошимиз Маҳмуд Замахшарийнинг «ал-Муфассал» асари араб тили наҳву сарфини, яъни грамматикасини ўрганишда йирик қўлланма сифатида Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам донғи кетган ва энг яхши, мукаммал асарлардан ҳисобланиб келинмоқда.

[1] دائرة المعارف الإسلامية. الجزء السابع عشر. الطبعة الاولى. مصر, 1998.– ص 5324

[2] ابى القاسم محمود بن عمر الزمخشرى. المفصل فى علم العربية. الطبعة الثانية. بيروت, 1990, ص 5

[3] بروكلمان كارل. تاريخ الادب العربي. نقله إلى العربية الدكتور عبد الجليل الفجار. دار المعارف بمصر. الجزء الخامس. 1975. ص 224

[4] Ўша асар, 225–227- бетлар.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг Ёзгат қўлёзмаси ҳақида

Шуҳрат МИРЗИЁТОВ,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти тадқиқотчиси

Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси у қўл урган соҳаларда яратилган бошқа илмий ижодларга қиёсланганда, ўзининг салмоғи, кўлами ва аҳамияти билан ажралиб туради.

Маълумки, аллома ўзининг турли миллатларга маънавий озуқа манбаи бўлиб хизмат қилган «ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб», «Муқаддамату-л-адаб», «Атвоқ уз-заҳаб фи-л-мавоъиз вал-хитаб», «Рабиъ ул-аброр ва нусус ул-аҳёр» каби олтмишга яқин асарларининг шарофати билан «Устоз ул-араб ва-л-ажам» – араблар ва араб бўлмаган халқларнинг устози унвонига сазовор бўлган. Унинг асарлари орасида «Муқаддамату-л-адаб» ўзининг қомусийлиги билан характерланади. Янги маълумотларга қараганда «Муқаддамату-л-адаб»нинг луғат сўзлиги киритилган, турли даврларда китобат қилинган 70 қўлёзмаси аниқланган. Уларнинг ичида икки, уч, тўрт тилли нусхалари учрайди. Илмий изланишларимиз натижасида «Муқаддамату-л-адаб»нинг туркий-ўзбекча сўзлик киритилган энг қадимий нусхаси Туркиянинг Ёзгат шаҳрида сақланаётганлигини аниқладик. Шу йили мана шу нодир манбанинг тасвирий нусхасини қўлга киритдик.

Асарнинг ушбу қўлёзмаси дунёдаги мавжуд нусхалар ичида ўзининг тўлиқлиги, қадимийлиги, сўзлигининг бойлиги билан ажралиб туради. Арабча-форсча-туркий сўзлик киритилган бу қўлёзманинг китобат ўрни ҳам диққатга сазовор. У юртимиз ҳудудида кўчирилган. Қўлёзманинг хотимасидаги ёзувга кўра, бу нусха 655 ҳижрий йилнинг учинчи жумоди ул-аввал шанба куни Хоразмда китобат қилинган. Бу ҳижрий тарих милодий 1257 йил 27 май кунига тўғри келади. Демак, бу нусха муаллиф вафотидан тахминан 100 йил кейин кўчирилган. У дастлаб Ёзгат шаҳридаги Маориф кутубхонасида 396 ҳужжат рақами остида сақланган, кейинчалик Туркиянинг Истамбул шаҳридаги машҳур Сулаймония кутубхонаси фондига кўчирилган. Қўлёзмага «Муқаддамату-л-адаб» асарининг барча беш қисми тўлиқ киритилган.

Асарнинг бу қадимий қўлёзмаси арабий, форсий ва туркий-ўзбек тиллари тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Унда айниқса, туркий сўзлик ўзининг қадимийлиги билан ажралиб туради. «Муқаддамату-л-адаб» нинг ҳозирга қадар аниқланган барча қўлёзмалари ичида бу нусха ўзининг туркий сўзликлиги билан ҳам ажралиб туради. Мазкур қўлёзманинг аҳамияти ҳақида бир неча мақолаларда эслатиб ўтилган. Жумладан, польшалик олим А.Зайончиковский асарнинг ҳайвон номларига бағишланган бобини Варшавада чиқадиган «Рочник ориенталистични» тўпламида нашр эттирган. Кейинчалик, академик А. Рустамов юқоридаги қисмнинг арабий-туркий сўзлигини ўзбекча таржимаси билан чоп этган. Ёзгат нусхаси ҳақида туркиялик олим Аҳмад Оташ ҳам биринчилардан бўлиб мақола эълон қилган. Профессор З. Исломов ҳам асарнинг бу нусхаси ҳақида ўзининг докторлик диссертациясида маълумот берган.

Юқоридаги ишларнинг барчасида қўлёзма ҳақида фақатгина умумий, тавсифий маълумотлар бўлиб, сўзлик матнининг илмий таҳлили келтирилмаган.

Қўлёзманинг ҳажми 347 варақдан иборат бўлиб, матннинг бошланиш қисми тушиб қолган. Асарнинг қисмлари қуйидагича: исмлар (4-60 в), феъллар (61-322 в) қолган грамматик исмлар (323-347 в) жойлашган.

Бу қўлёзманинг муҳимлиги яна шундаки, у айни Хоразм илмий муҳитида ерлик котиб Иброҳим бин Маҳмуд сўфи ал-Муаззин қўли билан китобат қилинган. Демак, уни давр руҳи билан суғорилган маҳаллий туркий тилнинг нодир ёдгорлиги сифатида баҳолаш мумкин. Ушбу нодир манбани ҳар томонлама, комплекс илмий тадқиқ этиш ва уни нашр этиб халқимизни баҳраманд қилиш шарқшуносларимиз олдида турган галдаги муҳим вазифаларимиздан саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Қаранг: Маҳмуд Замахшарий. «Муқаддамату-л-адаб». Истамбул. Сулаймония кутубхонаси. Ёзгат қўлёзмаси, № 396-357 в.*
2. *Қаранг: Заячзковский А. Главы о животных в арабском труде Замахшари (с персидскими и тюркскими глоссами) по Стамбульскому списку 655 г. (1257)// Вестник востока. 1967. С. 27-82.*
3. *Қаранг: А. Рустамов. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971.*
4. *Қаранг: AtesA. Anadolu rutup panelerinden bazi muhim Turkce el yazmalari//Turk Dili va Adabiyati. Ystanbul: - 1958, № 8 – s-90-93*
5. *Қаранг: З.Исломов. Муқаддаму-л-адаб (Манбашунослик таҳлили). – Тошкент, 2002.*

Маҳмуд Замахшарий «Мақомот» асарининг қўлёзма ва босма нусхалари

Санжар ДЎСТМАТОВ,
Тошкент ислом университети аспиранти

Хоразмлик буюк аллома Маҳмуд Замахшарий улкан илмий мерос яратган. Олим асарларининг турли даврларда кўчирилган асарлари дунёнинг йирик қўлёзма марказларида сақланади. Шунингдек, алломанинг кўпгина асарлари турли давлатларда нашр қилинган. Унинг мана шундай муҳим асарларидан бири «Мақомот» ҳисобланади.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Мақомот» асари 50 та мақомадан ташкил топган. Бу мақомалар турли хил мавзуларни ўз ичига олган бўлиб, мажлисларда, ўтиришларда панд-насиҳат, ўгит тариқасида сўзланадиган ҳикматли сўзлар, бадиий санъатлар, шеърий парчалар, масаллар, ҳикоятлардан иборат. Мақомалар чиройли қофияланган, тили жиҳатидан қийин ва мураккаб бўлиши билан бирга, унда қўлланилган сўз ўйинлари муаллифининг тилни жуда пухта эгаллаганини намойиш этади.

«Мақомот» ҳақидаги маълумотларни биз ўрта аср ва ҳозирги замон араб олимларининг китобларидан ҳамда турли қўлёзма хазиналарининг фиҳристларидан олишимиз мумкин[1]. Лекин бу маълумотлар қисқагина бўлиб, деярли бир-биридан фарқ қилмайди.

Замахшарийнинг «Мақомот» асари кўплаб нусхаларда бизгача етиб келган. Асарнинг қўлёзма нусхалари дунёнинг турли кутубхоналари ва қўлёзма хазиналарида сақланмоқда. Жумладан, бу асарнинг нусхаларидан бири Вена императори кутубхонасининг туркий, форсий ва арабий қўлёзмалар хазинасида 379,3 рақами остида сақланмоқда. Шунингдек, Пренстон университети кутубхонасининг араб қўлёзмалари бўлимида 201 рақами остида, Мадридда 294 рақами, Ватикан кутубхонасининг араб-ислом қўлёзмалари хазинасида 1380 рақами остида сақланади. Бағдодда ҳам асарнинг яна бир қўлёзма нусхаси мавжуд.

Туркия кутубхоналарида ҳам «Мақомот» асарининг бир неча нусхалари сақланмоқда. Чунончи, Истанбулдаги Нур Усмония кутубхонасида 3901 рақами билан, Роғиб Пошша кутубхонасида 1068 рақами билан, Боязид кутубхонасида 2646 рақами билан, Башир Оға кутубхонасида 148 рақами билан, Аҳмад ас-Солис кутубхонасида 1419 рақами билан сақланади. Ҳайдарободдаги Осифия кутубхонасида ҳам «Мақомот»нинг яна бир қўлёзма нусхаси сақланмоқда. Маҳмуд Замахшарий бу асарига ўзи шарҳ ёзган бўлиб, бу шарҳ луғат тарзида битилгандир. Маҳмуд Замахшарийнинг ушбу асари «Шарҳи мақомот» деб аталиб, унинг бир нусхаси Берлинда сақланади.

Замахшарийнинг «Мақомот» асари икки марта (1312/1894 ва 1325/ 1907) Қоҳирада нашр қилинган бўлиб, унга алломанинг ўзи томонидан ёзилган шарҳи ҳам киритилган. Иккинчи нашри «Ат-тавфиқ» матбаасида амалга оширилган. Бу нашр 240 саҳифадан иборат бўлиб, 50 та мақомадан сўнг Ҳазрати Али ибн Абу Толиб (р.а.)нинг юзта ҳикматли сўзлари берилган. Шунингдек, асарни тадқиқ этиб нашрга тайёрлаган олим, Мисрдаги ал-Азҳария кутубхонаси соҳиби Муҳаммад Саъид ар-Рофиъий ал-Форуқий ат-Тароблусий тадқиқот ҳақида ўз фикрини билдириб, жумладан, шундай ёзади:

«Биз Мадинаи Мунаввардан, Ҳидивия кутубхонасидан ва Қоҳирадаги баъзи ҳурматли инсонлардан бу асарнинг бир қанча нусхаларини олдик. Улардаги жузъий ихтилофларни йўқотиб, асарни нашр қилдик»[1].

Бундан кўриниб турибдики, демак, Маҳмуд Замахшарийнинг «Мақомот» асари қўлёзма нусхалари Мадинаи Мунаввара ҳам, Ҳидивия кутубхонасида ҳам, баъзи кишиларнинг шахсий кутубхоналарида ҳам сақланмоқда экан.

Бу асар немис шарқшуноси Ришер томонидан немис тилига таржима қилинган. Бу таржима 1912 йилда Германияда нашр қилинган.

Лекин минг афсуслар бўлсинки, буюк ватандошимиз Маҳмуд Замахшарийнинг мазкур асари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида мавжуд эмас.

Буюк ватандошимиз ижодига бўлган қизиқиш айниқса, хорижий Шарқ мамлакатларида бугунги кунда ҳам жуда каттадир. Мамнуният билан шуни қайд этиш керакки, мустақил Ўзбекистонимизда ҳозирги вақтда содир бўлаётган улкан ўзгаришлардан бири бой ва қадимий маданий меросимиз, тарихимиз, динимиз, қадриятларимиз, маданиятимизни муносиб баҳолаш ҳамда

Ою-куннинг тутилишидан қўрқма, файласуфнинг сўзларини ҳам тинглама, зеро у аҳмоқлиги билан фалсафага чуқур шўнғиб, янглишади. У ўзининг пуч сўзлари ила турли боши берк кўчаларга кириб чиқар, мавҳум ва тахминий фикрларга берилар ва шунга қарамай у ўзини фалакиёт илмининг алломаси деб даъво қилар, ўзининг наздида нуқсонсиз, лекин Аллоҳнинг бандалари наздида обрў-эътиборсиз, Аллоҳнинг дўзах азобига маҳкумдир. Ўзининг фикрича, у фаросат ва заковат соҳиби, лекин аслида ундан кекса така ақллироқдир. Ўзининг фалсафасини кўз-кўз қилувчи файласуф қандай қилиб анвойи чигаллик ва сафсатаси билан рост сўзлай олади, ваҳоланки уни нафсу ҳавоси ҳақиқат қидиришдан тўсиб қўйган, куфр «марҳабо, эй гўдак» деб чорлаган ва шайтон «эй ўғилчам, халос топдинг» деб эркалаётган бўлур.

Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Атвоқу-з-заҳаб» асаридан

янада равнақ топтиришга алоҳида аҳамият берилаётганидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳаёти ва самарали ижодий фаолияти деярли ўрганилмаган, ҳали бирорта ҳам асари тўлалигича ўзбек тилида нашр қилинмаган буюк аллома Маҳмуд Замахшарий ижоди тадқиқотчилар диққатини ўзига тортиши табиийдир. Бу асарнинг тадқиқ қилиниши халқимизнинг тарихий-маърифий ёзма ёдгорликларидан бирини қайта жонлантирган бўлур эди.

Инсоният илм-фанига бебаҳо асарлари билан улкан ҳисса қўшган буюк аллома, бобокалонимиз Маҳмуд Замахшарий билан қанчалик фахрлансак камлик қилади. У зотнинг илмий меросини ўрганиб, тадқиқот ишлари олиб бориш биз ёш олимлар олдида турган эзгу мақсадлар саналади.

[1] Бу ҳақда қаранг: Броккельман К. Тарих ал-адаб ал-арабий, ал-қисм ассолис. – Қоҳира, 1993; Шамсуддин Сомий. Қомус ал-аълом. – Истамбул, ж.4, 1899. 2421-бет; Рустамов А. Маҳмуд аз-Замахшарий. – Т., 1971.

[1] Мақомот аз-Замахшарий. –Қоҳира, 1907. 233–234-бетлар.